



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қ А Р О Р И

Умумий овқатланиш корхоналари ва таълим тизимида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига оид қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш натижалари тўғрисида

Мамлакат аҳолиси, айниқса болалар орасида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари тез-тез кузатилаётганлигини эътиборга олиб, Олий Мажлис Сенати томонидан унинг сабаб ва омиллари ўрганилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Хусусан, 2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси қабул қилинди.

Санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5814-сонли Фармони билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати хизмати ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ташкил этилди.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, шунингдек мактабгача таълим муассасаларида ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этишни янада такомиллаштириш, белгиланган санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари талабларига мос шароитлар яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар сифатини назорат қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида 60 нафар тадбиркор томонидан 266 та давлат мактабгача таълим ташкилотида аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этилиши натижасида бундай хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар сони 84 тага, аутсорсинг хизматидан фойдаланувчи мактабгача таълим ташкилотлари сони 532 тага етди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ҳамда соддалаштирилди, муқобил ва режадан ташқари

текширувлар бекор қилинди, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини эркин амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Бирок, таҳлиллар шуни кўрсатдики, олиб борилаётган ижобий ишларга қарамай соҳада қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Аҳолининг овқатдан гуруҳли заҳарланиши оқибатида фуқароларнинг жабрланиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Хусусан, 2017-2019 йилларда 154 та овқатдан заҳарланиш ҳолати қайд этилиб, жами 1 700 нафар фуқаро, шу жумладан 665 нафар бола жабрланган, 15 та фуқаро вафот этган.

Бу ҳолат асосан умумий овқатланиш корхоналари, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим тизимида рўй бермоқда. Жумладан, охириги уч йилда ушбу объектларда 31 та овқатдан заҳарланиш ҳолати қайд этилиб, 1 330 нафар фуқаро, шу жумладан 435 нафар бола жабрланган.

Бундай ҳолат тўйхона, ошхона, кафе, ресторан ва бошқа умумий овқатланиш корхоналарининг санитария талаблари лойиҳалари асосида қурилмаганлиги, маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ҳамда реализация қилиш учун санитария талабларига мувофиқ шароитлар яратилмаганлиги, мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда ошхоналарнинг жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, мавжудлари эса маънан эскирганлиги, носозлиги, ошпазлар ва ошпаз ёрдамчиларининг тиббий кўрикдан ўтмаганлиги, технологик талабларни билмаслиги, таом тайёрлашда сифати ва хавфсизлиги кафолатланмаган маҳсулотларнинг ишлатилиши оқибатида юзага келган.

Хусусан, ўрганиш жараёнида республика бўйича 1 533 та мактабгача таълим ташкилотида ичимлик сувининг ташиб келтирилиши маълум бўлди. Шунингдек, Самарқанд вилоятида 308 та, Фарғона вилоятида 231 та, Бухоро вилоятида 211 та, Наманган вилоятида 197 та ва Қашқадарё вилоятида 170 та мактабгача таълим ташкилотида ичимлик суви учун катта ҳажмли гигиеник сув идишлари ўрнатилмаган.

Бундан ташқари, 343 та мактабгача таълим ташкилотида овқат тайёрлаш учун ёқилғи тури сифатида ўтиндан фойдаланилмоқда. Бундай ҳолат Андижон вилоятида 113 та, Фарғона вилоятида 107 та, Наманган вилоятида 41 та ва Самарқанд вилоятида 33 та мактабгача таълим ташкилотида мавжуд.

Республика бўйича бундай 5 854 та давлат мактабгача таълим ташкилотида ошхоналарнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш учун 391 млрд. сўм маблағ талаб этилади.

Мактабгача таълим ташкилоти ошхоналарида 11 272 нафар ошпаз ва ошпаз ёрдамчиси фаолият юритиб келмоқда, шулардан 6 293 нафари ёки 56 фоизи касбий маълумотга эга эмас.

Республика миқёсида 2 048 та мактаб ичимлик суви билан таъминланмаган. Андижон вилоятида мавжуд мактабларнинг 55 фоизи (406 та) ичимлик суви таъминотига уланган бўлса-да, носозликлар туфайли тармоқ ишламайди. Самарқанд вилоятининг 165 та, Тошкент вилоятининг 117 та мактабида ичимлик суви ташиб келтирилмоқда.

Мактабларнинг 2 990 тасида ошхона таъмирталаб ҳолатда ёки ошхона умуман мавжуд эмас. Мазкур ҳолат асосан Самарқанд (714 та),

Фарғона (386 та), Қашқадарё (370 та) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (261 та) кузатилмоқда.

Мактабларда технологик жараён ва санитария-гигиена талабларига мос равишда овқат тайёрлаш учун жиҳозлар етишмайди. Ошхоналардаги мавжуд технологик жиҳозларнинг 60 фоизи яроқсиз ҳолатда. Жумладан, Бухоро вилоятида 31 та мактаб ошхонасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун шароит йўқ, музлатгичлар билан таъминланмаган. Тошкент вилоятининг 153 та мактабида идишларни ювиш учун шароитлар яратилмаган. Андижон вилоятида мактабларнинг 80 фоизда (600 та) ошхона идишларини ювиш талаб доирасида амалга оширилмайди.

Аксарият мактабларда тасдиқланган таомнома ва таом тайёрлаш технологик хариталар мавжуд эмас. Бундай ҳолат Тошкент вилоятининг 403 та (45 фоиз) мактабида кузатилган. Бундан ташқари, 72 та мактабда тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилишига йўл қўйилмоқда.

Мактаб ошхоналарида хизмат кўрсатувчи тадбиркорларнинг ҳар йили тендер асосида ўзгариши ошхоналарни санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари асосида жиҳозлаш ҳамда янги технологик жиҳозлар билан таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бир қаторда, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг белгиланган муддатда ижро этилмаётганлиги вазиятни янада чуқурлаштирмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сонли фармонида Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, 2019-2026 йилларда санитария-эпидемиологик осойишталик хизматини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилиш вазифаси юклатилган бўлса-да, мазкур ҳужжатлар шу кунга қадар қабул қилинмаган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш вазифаси ҳам бажарилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 16-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси З.Низамходжаевнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Н.Атабековнинг,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори Б.Алматовнинг, Мактабгача таълим вазири А.Шиннинг, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А.Умаровнинг, Қурилиш вазири ўринбосари К.Тулягановнинг, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари С.Саифназаровнинг ҳамда Энергетика вазирилигининг бош бошқармаси бошлиғи Р.Мамадалиевнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2020 йилнинг 1 февралига қадар Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ташкил этилиши муносабати билан уларга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

2020 йилнинг 1 августига қадар умумий ўрта ва мактабгача таълим тизимида болаларни сифатли ва хавфсиз овқатлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин, бунда:

умумий ўрта ва мактабгача таълим тизимида болаларни сифатли ва хавфсиз овқатлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини;

умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларига озиқ-овқат маҳсулотларини ёки тайёр таомларни етказишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга оширувчи органларнинг ваколатларини;

умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларига етказиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ёки тайёр таомларнинг сифати ва хавфсизлигига, бундай фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган талабларни;

умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларига озиқ-овқат маҳсулотларини ва тайёр таомларни етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашни;

болаларнинг сифатли ва хавфсиз овқатланишини ташкил этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини ёритишни назарда тутсин.

2020 йилнинг 1 майига қадар Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим тизимида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин, бунда асосий эътиборни:

озиқ-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи объектларда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси

томонидан ўтказиладиган текширишларга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга;

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ошхоналарининг биноларини, моддий-техника жиҳозларини қонун ҳужжатлари талаблари асосида мустаҳкамлашга, ошхоналарни доимий видеокузатув камералари билан жиҳозлашга, уларни узлуксиз тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга;

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларида ошпазлар ва ошпаз ёрдамчилари лавозимларига йўналиш бўйича махсус билимга эга мутахассисларни қабул қилишга, фаолият юритаётганларини малакасини оширишга, уларнинг ойлик иш ҳақини босқичма-босқич ошириб боришга;

рационал ва хавфсиз овқатланишни ташкил қилиш бўйича туман (шаҳар) мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим бўлимларининг штат бирлигига технологлар, санитария врачлари ва уларнинг ёрдамчиларини киритишга;

мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатувчи ошпазлар ва ошпаз ёрдамчиларининг махсус малакага эга эканлигини белгиловчи ҳужжатсиз фаолият юритишини чеклаш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи объектларда халқаро стандартларни (GHP, HACCP) босқичма-босқич жорий қилишга;

Тошкент кимё-технология институти, Бухоро муҳандислик-технология институти ва Фарғона политехника институтида умумий овқатлантириш технологи ва озиқ-овқат технологи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этишга;

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларига тайёр таомларни етказишга ихтисослашган давлат-хусусий шериклик асосидаги овқатлантириш комбинатлари фаолиятини йўлга қўйишга қаратсин.

2020 йилнинг 1 июнига қадар Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти фаолиятини қайта кўриб чиқсин ва уни тубдан такомиллаштириш чораларини кўрсин.

2020 йилнинг 1 августига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси қошида Озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш илмий-амалий марказини ташкил қилишга оид тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

озик-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи объектлар фаолиятини назорат қилиш бўйича халқаро стандартлар талабларини ўрганиш ва назорат қилиш методологиясини такомиллаштириш;

хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари устидан миллий мониторингни олиб бориш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси:

2020 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қайта кўриб чиқсин ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

уч ой муддатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши устидан санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси назоратини амалга ошириш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги **2020 йилнинг 1 июлига қадар:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестиция вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда аниқ молиявий манбаси белгиланган 2021-2023 йилларда мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналари бино ва жиҳозларини босқичма-босқич санитария ва гигиена талабларига мувофиқ замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлашга оид тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин;

аутсорсинг асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

мактабгача таълим ташкилотларида соғлом ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этиш учун масъул бўлган “Бракераж комиссияси” фаолиятини, унинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги:

2020 йилнинг 1 июнига қадар республиканинг олис, борилиш қийин ва тоғли ҳудудларида жойлашган мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларига қўйилган санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларини ушбу муассасалар жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

ижтимоий соҳа муассасаларининг ошхоналарига, умумий овқатланиш шаҳобчаларига, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ҳамда реализация қилиш корхоналарига қўйилган амалдаги санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларини давлат тилида қабул қилиш ҳамда мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тушунтириш чораларини кўрсин.

2020 йилнинг 1 сентябрига қадар умумий овқатланиш корхоналари, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактаблари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчилари учун қўйиладиган санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари бўйича услубий қўлланма тайёрласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

2020 йилнинг 1 августига қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестиция вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларида санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларга ҳамда эпидемияга қарши профилактик тадбирларни амалга ошириш асосида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин, бунда:

умумий ўрта таълим мактаблари ошхоналарида овқатлантиришни ташкил этиш жараёнида ошхоналарда фойдаланиладиган коммунал хизматлар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланишини;

умумий ўрта таълим мактабларида ижара шартномаси доирасида ижарачига вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича белгилашни, ижарага бериш муддатини узайтиришни;

умумий ўрта таълим мактаблари ошхоналарида овқатлантиришни ташкил этишни ижара тизимидан аутсорсинг хизматига босқичма-босқич ўтказишни, бунда тендер танловларини шаффоф ўтказилишини ва тадбиркорларга қўйилган талабларнинг бажарилиши мониторингини юритишни;

умумий ўрта таълим мактаб ошхоналарини ривожлантиришни, овқатлантиришни инновацион усулда ташкил этиш бўйича инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишни назарда тутсин.

2020 йилдан бошлаб вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органларида тўғри овқатлантиришни ташкил этиш ва тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган камида 2-3 штат бирлигидан иборат алоҳида бўлим ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги **2020 йилнинг 1 июлига қадар:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш

вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларни бузганлик учун маъмурий чораларни қўллаш, жарималар миқдорини белгилаш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва ушбу маблағларни жавобгар шахслардан ундириш тартибини ишлаб чиқсин;

ҳудудларнинг географик жойлашуви ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича “минимал талаб”лар ва “намунавий таомнома”лар, шунингдек ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини инобатга олган ҳолда алоҳида парҳез таомномалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси томонидан овқатдан заҳарланиш хатарлари устидан миллий мониторингни олиб бориш электрон ахборот тизимини жорий этиш учун халқаро ташкилотлар, молия институтлари, хорижий ва маҳаллий ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва мукамал таъмирланаётган ижтимоий соҳа объектлари ва умумий овқатланиш корхоналари лойиҳаларини тайёрлашда қурилиш нормалари, санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳудудий давлат санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш марказларида экспертизадан ўтказилишини таъминлаб борсин;

умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ва намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда ошхоналар қурилишини инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **2020 йилнинг 1 майига қадар** Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан ҳамкорликда ошпазлар ва ошпаз ёрдамчиларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва ўқишларни ташкил этсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2020 йилнинг 1 июлига қадар** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда:

ўтинда овқат пиширилаётган мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ошхоналарига стационар газ балон қурилмалари ўрнатилишини ташкил этсин;

ичимлик суви ташиб келтириладиган 1 533 та мактабгача таълим ташкилоти ва 2 048 та умумий ўрта таълим мактабига ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, ҳажми 2 тонналик гигиеник сув идишларининг ўрнатилишини, ундан гигиена талаблари асосида доимий фойдаланишни таъминласин;

газ балонларини харид қилиш, электр энергия ва ёқилғининг барча турлари, шунингдек тоза ичимлик суви билан доимий равишда таъминлаб бориш учун зарур маблағларни ажратиб борсин;

инвестиция дастурлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари, шунингдек қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ошхонаси мавжуд бўлмаган 2 990 та мактабнинг ошхонасини босқичма-босқич қуриш ишларини амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасига мактабгача таълим муассасалари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчиларига валидация усули орқали қисқа курсларда малака разрядларини бериш ишларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология нозирати давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ҳамда реализация қилишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари ўртасида тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ушбу соҳадаги фаолиятни амалдаги қонун ҳужжатларига, санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ ташкил этиш юзасидан доимий равишда тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ноtijорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига 2020 йил учун давлат гранти танловлари йўналишларини шакллантиришда:

ижтимоий соҳа объектларида овқатланишнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ ташкил этилиши учун яратилган шароитларни таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ижтимоий соҳа объектларида овқатланишни ташкил этишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг, бундай объектларда фаолият юритувчи ходимлар, шунингдек ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг тиббий маданиятини юксалтиришда ижтимоий шерикликни кучайтириш;

ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишидан келиб чиқиб, уларни овқатланиш этикаси ҳамда шахсий гигиена қоидаларига амал қилишга ўргатишнинг инновацион усулларини жорий қилиш масалаларига эътибор қаратиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси:

2020 йилнинг 1 июнига қадар деҳқон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижросини ўргансин;

2020 йилнинг 15 июлига қадар Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда соҳа мутахассислари, илмий доира вакиллари, халқаро ташкилотлар экспертлари иштирокида озиқ-овқат маҳсулотларини санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишда мавжуд муаммолар муҳокамасига бағишланган халқаро конференцияни ўтказсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси **2020 йилнинг 1 апрелига қадар** дала назоратсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, шунингдек давлат чегара ҳудудидан тегишли ҳужжатларсиз мамлакатимизга олиб кирилаётган озиқ-овқат, мева-сабзавот ва ичимлик маҳсулотларининг ижтимоий соҳа объектларига етказилиши ҳолатини ўргансин, унинг якуни юзасидан парламент сўровини юборсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси **2020 йилнинг 1 августига қадар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда соҳада коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқараётган омилларни, шу жумладан қонун ҳужжатларини ўргансин, бундай вазиятларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни ишлаб чиқсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси доимий равишда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлом овқатланишни ташкил этиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш масалаларини ёритувчи кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиб бориш тавсия этилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар

ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан **2020 йилнинг 15 сентябрига қадар** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасига батафсил ахборот тақдим этсин.

20. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**



Т. Нарбаева

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 декабрь
№ КҚ-650–III.